

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ТАЙЛАКОВ УЛУҒБЕК НОРБЕКОВИЧ

**ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЯГОНА ЭЛЕКТРОН
АХБОРОТ-ТАЪЛИМ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси (таълим соҳалари ва
босқичлари бўйича)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Тайлаков Улуғбек Норбекович

Таълим муассасаларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳитини
яратиш ва жорий этиш технологиялари..... 3

Тайлаков Улуғбек Норбекович

Технологии создания и внедрения единой электронной информационно-
образовательной среды образовательных учреждений..... 21

Taylakov Ulugbek Norbekovich

Technology of creation and application of single electronic informatively-
educational environment of educational establishments 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ТАЙЛАКОВ УЛУҒБЕК НОРБЕКОВИЧ

**ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЯГОНА ЭЛЕКТРОН
АХБОРОТ-ТАЪЛИМ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси (таълим соҳалари ва
босқичлари бўйича)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Ped221 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (espi.uz/limiy-kengash) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Бегимкулов Узоқбой Шоймкулович педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оponentлар:	Нисоноов Акрам Хасанович техника фанлари доктори, профессор Турсунов Самар Қўзинович педагогика фанлари номзоди, доцент
Ётақчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Ped.82.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «9» июль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Амир Темур кўчаси 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Диссертация автореферати 2020 йил «1» июль да тарқатилди.
(2020 йил 1 июль даги 20 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Қ.Мардонов
илмий дароҳазалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ф.Т.Ражабов
илмий дароҳазалар берувчи Илмий
кенгаш қоғабил география фанлари
руҳида фалсафа доктори (PhD)

Р.А.Эшчанов
илмий дароҳазалар берувчи Илмий
кенгаш қоғидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ХХІ аср таълим тараққиётини таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) муҳитига асосланган ахборотлаштирилган жамиятда сифатли билим олиш таълим жараёнига кенг татбиқ этилган. Таълим муассасаларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш технологияларини жорий этиш зарурияти халқаро ташкилотлар масалан, ЮНЕСКОнинг таълим муҳитида замонавий ахборот ва коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш ХХІ асрда таълим жараёнининг барча иштирокчиларидан талаб этиладиган эҳтиёжга айланганлиги қайд этилган¹.

Жаҳон таълим муассасаларида ягона ахборот-коммуникация муҳитини ташкил этишнинг методик асосларини такомиллаштириш, масофали таълим технологияларини жорий этиш, таълим муассасаларининг ахборот-таълим муҳитини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хитой телемактаби (Хитой), Индира Ганди номи Очик Миллий мактаб (Ҳиндистон), Томск Давлат мактаби қошидаги Томск масофавий институти (Россия), Пайнам Ноор Мактаби (Эрон), Корея Миллий Очик Мактаби (Жанубий Корея), Сукотай Тампариат Очик Мактаби (Таиланд) каби таълим муассасаларида ягона ахборот-коммуникация технологиялари муҳитидан самарали фойдалана оладиган кадрларни тайёрлаш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизнинг умумтаълим мактабларида ахборотнинг анъанавий ва электрон ташувчилари, виртуал кутубхоналар, электрон дидактик аппаратлар базаси яратилмоқда. Таълим эҳтиёжларини таъминлаш учун умумтаълим муассасаларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш ва шу соҳадаги технологияларни жорий этиш зарурияти юзага келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон фармонида «умумтаълим мактабларида таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизимини яратиш, мавжуд дарслик ва ўқув-методик адабиётларни электрон кўринишга ўтказиш, ўқитиш усулларини такомиллаштириш, муқобил ёндашувларни ўрганишга ва илмий асослашга йўналтирилган амалий тавсифдаги илмий изланишларни ривожлантириш²» каби устувор вазифалар белгиланган. Бу орқали умумтаълим мактабларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳитининг таркибий тузилмасини шакллантириш, фанлардан онлайн курсларни ишлаб чиқиш, замонавий инновацион технологиялар воситасида электрон ўқув мажмуаларни такомиллаштириш зарурияти юзага келади.

¹ http://iite.unesco.org/les/policy_briefs/pdf/en/alternative_models.pdf. Bacsich P. Alternative models of education delivery: Policy Brief, September, 2012. Moscow: UNESCO Institute for Information Technologies in Education, 2012.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”³ги ПФ-5313-сон, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар А.А.Абдуқодиров, М.Арипов, У.Ш.Бегимкулов, Р.Ҳ.Жўраев, Ф.Закирова, У.Юлдашев, М.Лутфуллаев, А.Х.Нишонов, Н.И.Тайлаков, О.Х.Турақулов, С.К.Турсунов, Т.Т.Шоймардонов, М.Файзиева кабилар томонидан амалга оширилган.

МДХ мамлакатлари олимлари А.В.Овчаров, А.С.Дорофеев, А.М.Сагдатуллин, А.Ю.Даниленко, Е.З.Власова, Е.Е.Гильман, Е.А.Грушанская, Т.П.Зайченко, О.В.Калмыкова, С.Д.Корзаков, Е.С.Полат, И.В.Роберт, П.В.Сисоевлар таълим муассасаларининг электрон ахборот-таълим муҳитини ташкил қилиш муаммолари билан боғлиқ илмий ишлар билан шуғулланишган.

Хорижда таълим муассасаларининг электрон ахборот-таълим муҳитини ташкил қилиш методлари ва технологиялари А.Cook, В.Knutzen, D.Glover, S.Law, I.Allen, J.Seaman, J.M.Spektor, D.Kegan, E.Johnson, J.Locard каби олимларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Мазкур тадқиқот ишларининг таҳлили кўрсатадики, ахборот-коммуникация технологияларини таълим тизимига жорий этиш, таълим муассасаларининг электрон ахборот-таълим муҳитини ташкил қилиш муаммолари билан боғлиқ тадқиқот ишлари олиб борилган бўлсада, таълим муассасаларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш ва жорий этиш технологияларини яхлит тизим сифатида ўрганиш олимларнинг назаридан четда қолган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасинининг ПЗ-2014-0905173317 “Умумий ўрта таълим мактабларида ахборот-коммуникацион муҳитни яратиш ва амалиётга татбиқ қилиш” (ЎзПФИТИ, 2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 й., 06/18/5313/0618-сон.

Тадқиқотнинг мақсади таълим муассасаларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш ва жорий этиш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий инновацион технологиялар асосида умумий ўрта таълим мактабларининг ахборот-таълим муҳити таркибий тузилмасини такомиллаштириш;

умумтаълим мактаблари учун масофавий ўқитиш платформасини яратиш ва унда билим олишни индивидуаллаштиришга хизмат қиладиган фанлар кесимида онлайн курслар яратиш технологияларини такомиллаштириш;

таълим муассасалари бошқарув ва педагогик жараёнлари учун ахборот-таълим муҳитини яратиш ва умумтаълим мактаблари амалиётига жорий этиш технологияларини такомиллаштириш;

ягона электрон ахборот-таълим муҳитида умумтаълим мактаблари учун электрон ўқув мажмуаларни шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумтаълим мактабларида ягона электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш ва жорий этиш жараёни белгиланиб, педагогик тажриба-синов ишларига Самарқанд, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларидан 424 нафар ўқувчи жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида таълим муассасаларида ягона электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда педагогик-психологик, илмий-методик манбаларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил, моделлаштириш (лойиҳалаш), социометрик (анкета, тест, сўровлар, суҳбат, интервью); педагогик кузатув; педагогик тажриба-синов; математик-статистика методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактабларининг ахборот-таълим муҳитининг таркибий тузилмаси (тизимлилик, мантиқий изчиллик, билиш-англаш, ахборот-билимларни назорат қилиш) ягона электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш ва жорий этиш технологияларини шакллантириш тамойиллари (мақсадга йўналтирилганлик, интеграция, тўлақонлилик, яхлитлик, очиқлик)га устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

умумтаълим мактаблари учун масофавий ўқитиш платформаси булутли сервис технологияси асосида мослашувчанлик, модуллилик, параллелилик, асинхронлилик, рентабеллилик, ижтимоийлик тамойилларига интеграциялаш асосида такомиллаштирилган ва платформада ўқувчиларни билим олишни индивидуаллаштиришга хизмат қиладиган Информатика (6-синф) ва География (9-синф) фанларидан онлайн курслар яратилган.

ахборот-таълим модулларини янгилаб бориш веб-технологиялари таълим муассасаларининг бошқарув (статик ва динамик саҳифаларни яратиш, фойдаланувчиларни рўйхатга олиш, аутентификациялаш, фойдаланувчиларнинг тизимдаги ролини белгилаш) ва педагогик жараёнларини (синф журналин юритиш, ўқувчилар давомати ва фаоллиги бўйича статистикани кузатиш) ўзаро оптималлаштириш асосида такомиллаштирилган;

фанлар кесимида электрон ўқув мажмуаларни шакллантириш методикасини ягона электрон ахборот-таълим муҳитида умумтаълим мактаблари учун замонавий инновацион технологиялар (контентни бошқариш тизими) воситасида такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

замонавий умумтаълим мактабларининг ахборотлашган таълим муҳити тузилмаси модели, шунингдек, мактабларнинг ягона электрон ахборот-таълим муҳити ишлаб чиқилган ва Жиззах, Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри умумтаълим мактаблари фаолиятига жорий қилинган;

умумтаълим мактаблари учун “Информатика”, “География” фанларидан онлайн курслар жойлаштирилган, улар умумтаълим мактаблари амалиётида фойдаланишга тавсия қилинган;

умумтаълим мактаблари ўқув бўлимлари, кутубхоналар ва ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналарга мўлжалланган ўқув жараёни, дарс жадвали, давомат, электрон журнал, электрон дарсликлар, электрон кундалик автоматлаштириш орқали электрон ахборот-таълим муҳити веб-портали яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога педагогик ва психологик, методик ёндашув ҳамда масофали таълим технологияларини жорий этиш, таълим муассасаларининг ахборот-таълим муҳитини яратишда мамлакатимиз ва чет эл олимлари ишларига асослангани, тадқиқот вазифаларига мос методлар танланганлиги, тажриба-синов ишлари математик-статистик методлар орқали асосланганлиги, респондентлар билан ўтказилган савол-жавоблар, интервьюлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани ҳамда хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф қилинган модель ва дастурий таъминотни таълим муассасаларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳитини шакллантириш жараёнларига жорий этиш, таълим муассасаларида фойдаланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумтаълим мактаблари ва олий таълим муассасаларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳитининг дастурий таъминотни яратиш ва жорий этиш учун хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумтаълим мактабларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш ва жорий қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

умумтаълим мактабларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳитининг таркибий тузилмасини такомиллаштиришга оид таклифлардан Ф1-ХТ-0-16955 “Телекоммуникатив тизимни глобаллаштириш шароитида мактаб ўқувчиларини ахлоқий тарбиялашнинг фундаментал муаммолари” (2012-2016 й.й.) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 октябрдаги 89-03-3775-

сон маълумотномаси). Натижада, умумтаълим мактабларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳити таркибий тузилмаси такомиллаштирилган.

умумтаълим мактаблари учун масофавий ўқитиш платформаси (<http://matm.uz>) булутли сервис технологияси орқали мослашувчанлик, модуллик, параллеллик, асинхронлик, рентабеллик, ижтимоийлик тамойиллари асосида ишлаб чиқилган ва унда билим олишни индивидуаллаштиришга хизмат қиладиган “Информатика” ҳамда “География” фанлари кесимида онлайн курслар яратиш технологияларини такомиллаштиришга оид таклифлардан Ф1-ХТ-0-16955 “Телекоммуникатив тизимни глобаллаштириш шароитида мактаб ўқувчиларини ахлоқий тарбиялашнинг фундаментал муаммолари” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 октябрдаги 89-03-3775-сон маълумотномаси). Натижада, умумтаълим мактаблари ягона электрон ахборот-таълим муҳитининг масофавий ўқитиш платформаси яратилган ва унда фанлар кесимида онлайн курсларни яратиш ва жойлаштириш имконияти шакллантирилган;

таълим муассасалари бошқарув ва педагогик жараёнларининг ахборот-таълим модулларини янгилаб бориш веб-технологияларини такомиллаштиришга оид таклифлардан И-ХТ-О-14860 “Бошланғич таълим сифатини оширишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларни қўллашга йўналтирилган тадқиқотни илмий натижалари асосида қўлланмани нашрга тайёрлаш ва ўқув жараёнига жорий этиш” мавзусидаги инновацион лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 октябрдаги 89-03-3775-сон маълумотномаси). Натижада, таълим муассасаларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳити яратилган ҳамда ўқув жараёнининг сифат мониторинги самарадорлигини оширишга имкон берган;

ягона электрон ахборот-таълим муҳитида умумтаълим мактаблари учун замонавий инновацион технологиялар воситасида фанлараро электрон ўқув мажмуаларни шакллантириш методикасини такомиллаштиришга оид таклифлардан 2012–2014 йилларда амалга оширилган А1-ХТ-0-14297 “Бошланғич синфларда математика фанини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари” мавзусидаги амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 октябрдаги 89-03-3775-сон маълумотномаси). Натижада, ягона электрон ахборот-таълим муҳитида туркум электрон ўқув мажмуалар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 20 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 45 та илмий иш, жумладан, 3 та монография, 16 та мақола, шундан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 14 та илмий мақола, шундан 12 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, 128 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унда 5 та жадвал, 29 та расмдан фойдаланилган. Диссертациянинг ҳажми 142 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган; тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Таълим муассасаларида ягона электрон ахборот-таълим муҳитини шакллантиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида таълим муассасасининг ягона электрон ахборот-таълим муҳитини ташкил этиш илмий-педагогик муаммо сифатида қаралиб, 1.1-параграфда Ўзбекистон таълим муассасаларида ахборот-таълим муҳитини яратишдаги муаммолар ва изланишлар, шунингдек, хорижий ва МДХга аъзо мамлакатларида ягона электрон ахборот-таълим муҳитини шакллантириш ҳолати илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда диссертация муаллифи томонидан Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “ZiyoNET” жамоат ахборот-таълим тармоғига раҳбарлик қилган даврларда (2011-2017 йй.) ўқувчиларнинг ахборотга эҳтиёжини таъминлаш борасида ZiyoNETга жойлаштирилган ахборот-таълим ресурслари тўғрисида тўхталиб ўтилган. Ўзбекистоннинг қатор умумтаълим мактабларида 2012-2014 йилларда фойдаланилган Vahou.uz ахборот-таълим тизими ва ундан фойдаланиш асослари ёритилган. Мазкур ахборот таълим тизими фақат электрон кундаликни бошқариш, мактабнинг турли ҳисоботларини шакллантириш, ўқувчилар давоматини юритиш каби педагогик имкониятларга эгаллиги қайд этилган.

Республикамизда таълим муассасаларининг ягона ахборот-таълим муҳитини ташкил этиш борасида олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, олий таълим муассасаларининг (ОТМ) ягона ахборот маконини ва таълим муассасаларида ягона ахборот-коммуникация муҳитини ташкил қилишнинг методик асослари У.Ш.Бегимкулов, Р.Х.Хамдамов, олий таълимга масофали таълим технологияларини жорий қилиш, ОТМнинг ягона ахборот-таълим муҳитини яратиш масалалари Н.И.Тайлақов, Ж.Сайфиев каби олимларнинг тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган.

1.2-параграфда хорижий ва МДХда ягона электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш ва жорий этиш мавжуд ҳолати таҳлил қилинган. Масалан, Испанияда 1988 йилдан буён электрон ахборот-таълим муҳитига асосланган Масофавий Таълим Миллий мактаби (UNED) фаолият кўрсатмоқда. У Испанияда 58 та, бошқа мамлакатларда 9 та ўқув марказларига эга, улар асосан

катталарга масофадан олий маълумот бериш, малака ошириш, шунингдек, мактаб ўқитувчилари малакасини оширишга хизмат қилмоқда. Ягона ахборот-таълим муҳити асосида қурилган масофавий таълим жаҳоннинг бошқа ҳудудларида ҳам кенг тарқалмоқда. Хитой телемактаби (Хитой), Индира Ганди номли Очиқ Миллий мактаб (Ҳиндистон), Томск Давлат мактаби қошидаги Томск масофавий институти (Россия), Пайнам Ноор Мактаби (Эрон), Корея миллий очиқ мактаби (Жанубий Корея), Сукотай Тампариат Очиқ Мактаби (Таиланд) шулар жумласидан.

Японияда XX асрнинг 80-йилларидан буён давлат бюджети асосида «Эфирда Мактаб» таълим ташкилоти таълим вазирлигининг қатъий назорати остида фаолият юритиб келмоқда. Айти даврда «Эфирда Мактаб» таълим ташкилоти томонидан аниқ вақт режимида телевидение ва радио орқали ижтимоий-гуманитар фанлардан турли маърузалар бериб борилади.

Хорижий мамлакатлар, жумладан, Ҳиндистон, Бангладеш, Бирлашган Араб Амирликларида умумтаълим мактаблари учун яратилган School management Software by HDSchool дан самарали фойдаланиб келинмоқда⁴.

Ушбу мамлакатларда яратилган тизим асосан айрим умумтаълим мактабларини электрон бошқарувида фойдаланилади.

Россия Федерациясида «1С: Таълим 4.1 Мактаб 2.0» дастурий тизими яратилган бўлиб, у мактаб таълими ўқув жараёнини ташкил қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган (www.edu.1c.ru). Шунингдек, таълим бошқарув фаолияти учун мўлжалланган «Хронобус» МЧЖнинг дастурий таъминоти яратилган(www.chronobus.ru).

АВЕРС компаниясининг мактаб бошқарув фаолияти ва молиявий хўжалиги ишларини юритишга мўлжалланган қатор АРМ «Директор», «Кундалик», «Кутубхона», «Тарификация» каби яхлит дастурий тизими яратилган (www.iicavers.ru). Россия Федерацияси ва МДҲ мамлакатларининг 720 та мактабида бепул мактаб кундалиги тизими ўрнатилган ((www.ballov.net, www.school-online.ru). “Электрон мактаб” компанияси томонидан таълим муассасалари учун “Электрон мактаб ахборот тизими” яратилган (www.e-school.ru). Россия Федерациясида оммалашган мактаб ахборот-таълими тизими NetSchool бўлиб, у замонавий мактаб учун ахборот тизими мажмуаси ҳисобланади(www.net-school.ru)⁵.

Ўрганиш натижаларидан маълум бўлдики, Швеция Қироллиги Балтика университети Болтикбўйи давлатларидаги 50 дан ортиқ университет билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Жумладан, Уасала, Лунда, Гетеборг, Умео и Линчепинг университетларида электрон ахборот-таълим муҳити асосида масофавий таълим олиш имконияти яратилган. Бироқ имтиҳонлар мазкур университетларнинг ўзида олинади.

Туркияда 1974 йилда Очиқ Университет ташкил қилинган бўлиб, у узоқ ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг малакасини ошириш учун хизмат

⁴www.hdpos.in/hdschool/schoolmanagement

⁵<https://sites.google.com/site/proektmultimedijnyetehnologii/harakteristika-avtomatizirovannyh-sistem-upravlenia-portal-cifrovoe-obrazovanie>

қилмоқда. Бундай ўқитишга ҳар йили 120 минг тингловчи қамраб олинмоқда. Ушбу турдаги масофавий таълим олишга мўлжалланган муассасалар Австрия ва Швейцарияда ҳам мавжуд.

Россия Федерацияси ва МДХда ахборот-таълим сайтларини ташкил этиш тамойилларини А.Афонин, Т.А.Баранова, М.И.Беляев ва таълим муассасасининг замонавий ахборот-таълим муҳитини яратиш муаммоларини С.М.Жилин, Л.В.Жилина кабилар тадқиқ қилган. Шунингдек, таълим муассасасининг ягона ахборот-таълим муҳитини яратиш тадқиқотчиларнинг замонавий тадқиқот объектларидан бўлиб, С.Д.Корзаков, А.В.Овчаров Олтой ўлкасининг умумий ва педагогик таълим тизимида ягона ахборот-таълим макони, А.А.Карасик интернет тармоғи ёрдамида масофавий таълимни ташкил этиш учун ахборот-таълим муҳити модели ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш муаммоларини илмий таҳлил қилган.

ОТМда ягона ахборот-таълим муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари МДХ олимлари О.П.Околелов, В.И.Солдаткин, А.А.Трещев, И.К.Шалаев ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топганлиги диссертацияда қайд қилинган.

Кейинги параграфда ахборот-таълим порталини яратишга таяниладиган (мақсадга йўналтирилганлик, интеграция тўлақонлилик, яхлитлик, очиқлик каби) дидактик тамойиллар электрон воситалар орқали аниқлаштирилган.

Таълим муассасаларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳитини шакллантириш мазмунини такомиллаштириш, назарий асослаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш педагогикада умумий тарзда шахснинг турли кўриниш, жанр ва шакллардаги электрон матнни танлаш, фойдаланиш, танқидий таҳлил қилиш, баҳолаш, яратиш ва узатиш, социумда медиафаолиятининг мураккаб жараёнларини таҳлил қилишга тайёргарликда намоён бўладиган интегратив сифати тарзида қаралади. Шунинг учун умумтаълим муассасалари таҳсил олувчиларида ягона электрон таълим муҳитидан фойдаланиш ва бу борада компетентлигини ривожлантириш масаласи фан ва амалиёт олдида турган долзарб масалалардан бири эканлиги мазкур бобда илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинди. Бунда замонавий илмий-техник тараққиёт талабларига мос ҳолда таълим муассасалари ўқувчиларининг электрон ахборот-таълим муҳитидан фойдаланиш борасидаги билимларини такомиллаштириш масалалари педагогик йўналишдаги тадқиқотлар орасида алоҳида аҳамият касб этади.

Диссертациянинг «**Умумий ўрта таълим мактабларида ахборот-таълим муҳитини шакллантиришни босқичма-босқич моделлаштириш**» деб номланган иккинчи бобининг 2.1-параграфидида ахборот-таълим портали ва унга қўйиладиган дидактик талаблар, 2.2-параграфидида умумий ўрта таълим мактабларида ахборот-таълим муҳитининг асосий модуллари таҳлил қилинган.

Тадқиқотда умумтаълим мактаби ахборот-таълим муҳитининг асосий модуллари шакллантирилган (1-расмга қаранг).




1-расм. Умумтаълим мактаби ахборот-таълим муҳитининг асосий модуллари.

Умумтаълим мактабининг ахборот-таълим муҳитини яратиш қуйидаги *асосий босқичларни* ўз ичига олади: умумий ўрта таълим мактабининг ахборот-таълим муҳитини яратиш бўйича техник топшириқ ишлаб чиқиш; текшириш бўйича ишлар режасини ишлаш ва тасдиқлаш; текширув назоратдан ўтказиш; функционал техник талаблар ҳужжатларини тайёрлаш ва тасдиқлаш; тақвим режа ҳужжатларини тайёрлаш ва тасдиқлаш; техник топшириқ ҳужжатларини тайёрлаш ва тасдиқлаш; функционал вазифаларга ойдинлик киритиш; дастурий ечим макетини тайёрлаш; макетни тажрибадан ўтказиш; фойдаланувчиларни ўқитиш; тизимни амалиётга синовда қўллашга учун топшириш; қабул қилиш далолатномасини имзолаш.


Умумтаълим мактабларида ягона электрон ахборот-таълим муҳитини шакллантиришни босқичма-босқич моделлаштириш натижасида умумтаълим мактабларида маъмурият, педагоглар, ўқувчилар ҳамда ота-оналарнинг ахборот-таълим муҳитида бир мақсад йўлида ўзаро ҳамкорлик қилиши учун кенг имкониятлар яратилди, яъни модель уларнинг ахборот-таълим муҳитидаги компетентлигини шакллантириш, бу борадаги билим, кўникма ва малака даражаларини намоён қилишни таъминловчи электрон ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланиш, уларни муайян жараёнда қўллаш, ахборотларни таҳлил қилиш, уларга креатив ёндашиш, замонавий АКТдан фойдаланиш, шунингдек, медиасаводхонлик ва медиамаданиятни шакллантиришга хизмат қилди.

Тадқиқот доирасида умумтаълим мактабларида ахборот-таълим муҳитининг такомиллашган тузилмаси ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).



2-расм. Ахборот-таълим муҳитининг тузилмаси.

Электрон ахборот тизимини бошқариш блокида статик ва динамик саҳифаларни яратиш, фойдаланувчиларни рўйхатга олиш, аудентификациялаш, фойдаланувчиларнинг тизимдаги ролини белгилаш, маълумотнома ва ходисалар журналини юритиш, фойдаланувчилар давомати ва фаоллиги бўйича статистикани кузатиш, ахборот-таълим модулларини янгилаб бориш вазифаларини юритилади (3-расмга қаранг).



3-расм. Электрон ахборот тизимини бошқариш блоки тузилмаси

Мактаб ахборот-таълим муҳити (**Net Мактаб**) бошқарилиш ва динамик ривожланиш хусусиятга эга бўлган, замон талаблари ва жамият эҳтиёжларини инобатга оладиган, таълим жараёнида ўқувчиларга такомиллаштирилган, самарали ва қулай таълим-тарбия бериш хизматини амалга оширадиган мукамал тизим сифатида қаралиб, унга қуйидагича таъриф берилган:

Net Мактаб – бу маъмурият, педагоглар, ўқувчилар ҳамда ота-оналарнинг ахборот-таълим муҳитида бир мақсад йўлида ўзаро ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатликдаги фаолиятини амалга оширишга йўналтирилган комплекс тизим.

Диссертациянинг «**Электрон ахборот-таълим муҳитини яратишнинг амалий-услубий асослари**» деб номланган учинчи бобининг 3.1-параграфида умумий ўрта таълим мактабларини ахборот-таълим муҳитига интеграциялашнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқотда умумтаълим мактаблари учун қуйидаги тамойиллар асосида масофавий ўқитиш платформаси (<http://matm.uz>) ишлаб чиқилган:

1. Мослашувчанлик. Таълим оловчилар ўзларига қулай вақтда, қулай жойда ўқув фанлари бўйича билим оладилар.

2. Модуллик. Портал модулик тамойилига асосланиб яратилади. Ҳар бир ўқув фани бўйича ўқув дастурини алоҳида индивидуал ва гуруҳ учун шакллантириш имконияти мавжуд.

3. Параллеллик. Ахборот-таълим ресурсларидан белгиланган вақтда бир нечта фойдаланувчи ишлаш имконияти мавжуд.

4. Узоқдан таъсирчанлиги. Таълим муассасаси ва таълим оловчи орасида масофадан таълим олишга ҳалақит бермайди.

5. Асинхронлик. Таълим оловчи ва таълим берувчи ўзига мақбул вақтда ишлаш имкони мавжуд.

6. Қамраб олиш. Таълим олувчиларнинг сони асосий параметр эмас, у ўқув жараёнига деярли таъсир ўтказмайди.

7. Рентабеллик. Таълим муҳити иқтисодий мақбулликни таъминлаши лозим.

8. Таълим берувчи. Ўқитувчи функцияси ва роли одатдагидан ўзгача.

9. Таълим олувчи. Таълим олувчига талаблар одатдагидан мутлақ фарқ қилади.

10. Замонавий ахборот технологиялари. Порталга ахборот технологияларининг компьютер ва уларнинг тармоқлари, мультимедиа тизимларига асосланган барча турлари киради.

11. Ижтимоийлик. Портал маълум маънода яшаш жойи ва моддий шароитига боғлиқ бўлмаган ҳолда ижтимоий ҳимояланган.

3.2-параграфда электрон ахборот-таълим муҳити таълим сифатини таъминлашнинг янги босқичи сифатида қаралиб, таълим тизимига электрон ахборот-таълим муҳитини жорий этишдаги муаммолар илмий нуқтаи назардан таҳлил қилинган ва ахборот-таълим муҳити технологияларини татбиқ этишнинг асосий вазифалари белгиланган. Уларга: электрон ахборот-таълим муҳитини ўқув жараёнига татбиқ этиш учун зарур бўлган моддий-техника базасини яратиш; электрон ахборот-таълим муҳитини шакллантиришда асосланган таълим технологияларидан фойдаланиш; ўқувчиларда замонавий электрон ахборот-таълим муҳити технологиялари соҳасида билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш; электрон ахборот-таълим муҳитини жорий этиш орқали таълим- тарбия ва ўқитиш жараёнининг самарадорлигини ошириш.

Тадқиқот давомида таълим тизимига электрон ахборот-таълим муҳити технологияларини татбиқ этишнинг асосий вазифалари белгиланди. Бунда электрон ахборот-таълим муҳитини жорий этишдаги қуйидаги қийинчиликлар мавжудлиги аниқланди: педагогик жамоалар электрон ахборот-таълим муҳитини жорий этишга етарли даражада тайёр эмаслиги; электрон ахборот-таълим муҳити имкониятлари ҳақида педагогик жамоаларнинг тасаввурларини кенгайтириш зарурати мавжудлиги, уларни қўллаш бўйича методик ишланмаларнинг камёблиги; электрон ахборот-таълим муҳитида фойдаланиладиган компьютер технологиялари воситаларининг талаб даражасида эмаслиги; электрон ахборот-таълим муҳитини юритиш бўйича мутахассисларнинг етишмаслиги.

Таълим тизимига электрон ахборот-таълим муҳитини жорий этишдаги муаммолар таҳлили умумтаълим мактабларида ахборот-таълим муҳитидан фойдаланиш методикасини шакллантириш учун асос бўлди.

3.3-параграфда таълим тизимига электрон ахборот таълим муҳити технологияларини татбиқ этишнинг асосий вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Умумтаълим мактабларида ахборот-таълим муҳитидан фойдаланиш самарадорлиги**» деб номланган бўлиб, унинг 4.1-параграфидида умумтаълим мактабларида электрон ахборот-таълим муҳитини яратишга қўйиладиган асосий дидактик талаблар келтирилган. Дастлаб, таълим муассасаларида электрон ахборот-таълим муҳитини (АТМ) яратишга асос

бўладиган тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган техник топшириқлар баён қилинган. Техник топшириқда яратилаётган тизим учун зарур бўлган замонавий технологиялар, алгоритмлар, дастурий воситалардан фойдаланиш ҳақида бажариладиган жараёнлар тавсифи келтирилган. Техник топшириққа қўйиладиган талаблар илм-фан ва технологияларнинг ютуқлари, амалга оширилаётган тадқиқот ва тажриба-синов ишларининг натижаларига асосланган.

Диссертациянинг 4.2-параграфида умумий ўрта таълим мактаблари учун ягона электрон ахборот-таълим муҳитини шакллантириш жараёни ва ундан фойдаланиш методикаси келтирилган. Қуйида умумтаълим мактаблари учун ахборот-таълим муҳитининг кўриниши (бош саҳифа) акс эттирилган (4-расмга қаранг).



4-расм. АТМнинг бош саҳифаси

АТМ бош саҳифасининг юқори қисмида тизим администратори электрон почтаси, боғланиш учун телефон рақами ва горизонтал, вертикал тушувчи менюлар акс этган. Асосий менюда «Бош саҳифа», «Динамик статистика», «Дарс жадвали», «Давомат», «Электрон дарслик», «Электрон кундалик», «Раҳбариятга», «Ўқитувчиларга», «Ўқувчиларга», «Ота-оналарга», «Кутубхона» ва «Алоқа» каби интерактив бўлимлар мавжуд. Бўлимларни таҳрирлаш ва контентни бошқариш махсус «Ваколатли фойдаланувчилар» томонидан амалга оширилиши белгиланган.

4.3-параграфида умумий ўрта таълим мактабларида электрон ахборот-таълим муҳити самарадорлигини аниқлашга йўналтирилган тажриба синов ишлари ва уларнинг натижалари келтирилган.

Тадқиқот доирасида яратилган умумтаълим мактаблари ахборот таълим муҳити дастурий таъминотида жойлаштирилган «Онлайн курслар» модули Тошкент шаҳридаги 41-, 102-, 302- умумтаълим мактаблари, Самарқанд шаҳридаги 20-, 49-, 51-мактаблар, шунингдек Жиззах вилояти Жиззах

туманидаги 17-мактабларда таҳсил олаётган ўқувчилар ўртасида тажриба синовдан ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 7 сентябрдаги 01-02/1-3-371 сонли маълумотномаси).

Тажриба-синов давомида умумтаълим мактаблари ахборот-таълим муҳити дастурий таъминотининг информатика фанидан онлайн курслар модули бўйича жами 424 нафар, шундан тажриба синфида 216 нафар, назорат синфида 208 нафар ўқувчи қатнашган (1-жадвал).

1-жадвал

Умумтаълим мактабларида электрон ахборот-таълим муҳитида информатика фани онлайн курсларидан фойдаланган (тажриба синфи) ва анъанавий таълим (назорат синфи) олувчи ўқувчилар сони ва ўзлаштириш кўрсаткичлари

№	Чораклар	Тажриба синфи				Нazorат синфи			
		Ўқувчилар-нинг умумий сони	Юқори	Ўрта	Паст	Ўқувчилар-нинг умумий сони	Юқори	Ўрта	Паст
Тошкент шаҳар 41-сонли умумий ўрта таълим мактаби									
1	I	34	17	13	4	32	10	11	11
2	II	32	16	10	6	33	9	10	14
Тошкент шаҳар 102-сонли умумий ўрта таълим мактаби									
1	I	33	13	14	6	30	10	11	9
2	II	33	14	12	7	29	9	12	8
Тошкент шаҳар 302-сонли умумий ўрта таълим мактаби									
1	I	31	12	10	9	29	7	13	9
2	II	29	14	9	6	28	9	11	8
Самарқанд шаҳар 20-сонли умумий ўрта таълим мактаби									
1	I	32	14	14	4	30	9	13	8
2	II	33	12	15	6	30	8	11	11
Самарқанд шаҳар 49-сонли умумий ўрта таълим мактаби									
1	I	29	13	9	7	29	8	13	8
2	II	28	14	8	6	29	8	11	10
Самарқанд шаҳар 51-сонли умумий ўрта таълим мактаби									
1	I	27	14	8	5	29	9	12	8
2	II	30	13	13	4	30	8	11	11
Жиззах туманидаги 17-сонли умумий ўрта таълим мактаби									
1	I	30	14	10	6	29	10	12	7
2	II	31	16	9	6	29	9	11	9
Умумий I ўртача		216	97	78	41	208	63	85	60
Умумий II ўртача		216	99	75	41	208	60	77	71
Умумий I+II ўртача		216	98	77	41	208	62	81	65
Умумий ўртача		31	14	11	6	30	9	12	9
Фойзда		100	45	36	19	100	30	41	29


Олинган маълумотлар Стъудент-Фишер мезони асосида математик-статистик методлар ёрдамида таҳлил қилинди.

Шундан биз математик-статистик методлар ёрдамида таҳлил қилиш учун ўртача умумий балли олдик. Назорат ва тажриба синфларининг тажриба якунидаги умумий кўрсаткичлари куйидагича (2-жадвалга қаранг):

Тажриба ва назорат синфларининг тажриба якунидаги умумий кўрсаткичлари

Синфлар	Ўқувчилар сони	Жавоблари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба синфи	31	14	11	6
Назорат синфи	30	9	12	9

Танланмаларга мос келган полигонлар қуйидаги кўринишда бўлди:



Олиб борилган статистик таҳлил кўрсатдики, тажриба синфларида қўлланган умумтаълим мактабларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳитидан фойдаланиш синов методикаси самарадор бўлиб, ўтказилган тажриба-назорат таҳлиллари уни мамлакатимиз умумтаълим мактаблари миқёсида оммалаштириш мумкинлигиги асослайди.

ХУЛОСАЛАР

1. Хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистондаги мавжуд таълим порталларини мазмунан ва техник жиҳатдан таҳлил қилиш асосида маҳаллий ахборот-таълим муҳитини шакллантириш лозим. Шу маънода тадқиқот ишида хорижий тажрибалар ҳам танқидий таҳлил қилинди ва уни оммалаштириш йўналишлари белгилаб олинди.

2. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган таълим муассасаларининг ягона электрон ахборот-таълим тизимини яратишга доир педагогик талаблар, дидактик принциплар асосида таълим-тарбия тизимида кечаётган ислохотлардан келиб чиқиб, ягона электрон ахборот-таълим тизимини яратиш ва йўлга қўйиш жараёнини илмий-амалий жиҳатдан такомиллаштириш зарур.

3. Таълим муассасаларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳитининг таркибий тузилиши, мазмунига қўйиладиган талаблар илмий жиҳатдан асосланиши лозим. Тадқиқотда умумтаълим мактабларини ягона электрон ахборот-таълим муҳитининг таркибий тузилиши, мазмунига қўйиладиган талаблар илмий жиҳатдан очиб берилди. Таълим муассасаларининг ягона электрон ахборот-таълим тизимини яратиш мезонлари белгиланди, яратиш босқичлари илмий асосланди, уларнинг тузилиши ва мазмунига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди.

4. Тадқиқот ишида умумтаълим мактабларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳити мақсадга йўналтирилганлик, интеграция, тўлақонлилик яхлитлик, очиклик каби дидактик принциплар асосида электрон ахборот воситаси сифатида такомиллаштирилди.

5. Ахборот-таълим портали ва унга қўйиладиган дидактик талаблар асосида умумий ўрта таълим мактаби ахборот-таълим муҳитининг босқичма-босқич моделлаштирилди. Тадқиқотда умумтаълим мактаблари учун ахборот-таълим муҳитининг асосий “Ўқув жараёни”, “Дарс жадвали”, “Давомат”, “Электрон журнал”, “Электрон дарсликлар”, “Электрон кундалик”, “Ўқитувчиларга”, “Ўқувчиларга”, “Ота-оналарга”, “Кутубхона” ва “Бошқарув жараёнлари” модуллари ишлаб чиқилди.

6. Такومиллаштирилган асосий модуллар асосида таълим муассасаларининг ягона ахборот-таълим муҳитини шакллантириш, амалиётга жорий қилиш лозим. Шу маънода, такомиллаштирилган асосий модуллар дастурлаш воситалари орқали таълим муассасаларининг ягона ахборот-таълим муҳити шакллантирилди ва амалиётга жорий қилинди. Умумий ўрта таълим мактабларининг ягона ахборот-таълим муҳити дастурий таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасидан расман рўйхатдан ўтказилди (№ DGU 05588, 18.07.2018).

7. Таълим муассасаларининг ягона ахборот-таълим муҳитида умумтаълим мактаблари учун фанлар кесимида ўқув услубий мажмуалар ва онлайн-курслар яратиш лозим. Тадқиқотда таълим муассасаларининг ягона ахборот-таълим муҳитида умумтаълим мактаблари учун “Информатика” фанидан (6-синф учун) мультимедиали ўқув-услубий мажмуа ва турли онлайн-курслар яратилди ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди.

8. Тажриба-синов ўтказилгандан сўнг олинган натижалар таълим муассасаларининг ягона электрон ахборот-таълим тизимидан фойдаланиш даражаси тажриба гуруҳларида назорат гуруҳларига нисбатан юқори эканидан далолат берди. Ўтказилган тажриба-синов натижалари таълим муассасаларининг ягона электрон ахборот-таълим тизимини умумтаълим мактаблари ўқув ва бошқарув жараёнида қўллаш самарали эканини кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/30.12.2019.Ped.82.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ОБЛАСТНОМ
ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ
ИНСТИТУТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
НАУК УЗБЕКИСТАНА**

ТАЙЛАКОВ УЛУГБЕК НОРБЕКОВИЧ

**ТЕХНОЛОГИИ СОЗДАНИЯ И ВНЕДРЕНИЯ ЕДИНОЙ ЭЛЕКТРОННОЙ
ИНФОРМАЦИОННО-ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ
СРЕДЫ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ**

**13.00.06 – Теория и методика электронного образования (по сферам и этапам
образования)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.3.PhD/Ped221.

Диссертация выполнена в Узбекском научном исследовательском институте педагогических наук.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (csri.uz/uz/ilmii-kengash) и информационно-образовательном портале «ZiyonNet» (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель:	Бегимкулов Узокбой Шонимкулович доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Нишонов Акрам Хасанович доктор технических наук, профессор
	Турсунов Самар Кузиевич кандидат педагогических наук, доцент
Ведущая организация:	Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «9» июля 2020 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Ped.82.01 при Ташкентском областном Чирчикском государственном педагогическом институте (адрес: 111720, город Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом 104. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdri-kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре ташкентского областного Чирчикского государственного педагогического института (зарегистрирован по № 20). Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом 104. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail:

Автореферат диссертация разослан «1» июля 2020 года (реестр протокола рассылки № 20 от 1 июля 2020 года).


Ш.К.Мардонов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.б.н., профессор

Ф.Т. Ражабов
Учредитель секретариата Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) географическим наукам

Р.А. Эшчанов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.б.н, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В XXI веке в мире образование признано основным фактором обеспечения устойчивого развития, и широко внедрено в образовательный процесс получение качественного образования в информационном обществе, основанном на среде современных информационно-коммуникационных технологий (ИКТ). Необходимость внедрения технологий создания единой электронной информационно-образовательной среды образовательных учреждений подчеркнуто в документах международных организаций, к примеру, ЮНЕСКО отмечено, эффективное использование в образовательной среде современных ИКТ стало требованием ко всем участникам образовательного процесса¹.

В образовательных учреждениях мира проводятся исследования в области совершенствования методических основ создания единой информационно-коммуникационной среды, внедрения технологий дистанционного обучения, созданию информационно-образовательной среды образовательных учреждений. В образовательных учреждениях, как Китайская телешкола (Китай), Открытая Национальная школа имени Индиры Ганди (Индия), Томский дистанционный институт при Томской Государственной школе (Россия), Школа Пайнам Ноор (Ирон), Корейская Национальная Открытая школа (Южная Корея), Открытая Школа Сукотай Тампариат (Таиланд) особое внимание уделяется научным исследованиям в области подготовки кадров, способных эффективно пользоваться едиными информационно-коммуникационными технологиями.

В общеобразовательных школах нашей страны создаются базы традиционных и электронных носителей информации, виртуальные библиотеки, базы электронных дидактических аппаратов. Для обеспечения потребностей образования возникает необходимость в создании единой информационно-образовательной среды общеобразовательных учреждений и внедрении технологий в данной области. В Указе Президента Республики Узбекистан №УП-5712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» определены приоритетные задачи, как «создание национальной системы оценки качества образования в общеобразовательных школах, перевод имеющихся учебников и учебно-методической литературы в электронный формат, совершенствование методов обучения, развитие научных исследований практического характера, направленных на изучение и научное обоснование альтернативных подходов»². Все это диктует необходимость формирования структуры единой электронной информационно-образовательной среды общеобразовательных школ, разработки онлайн курсов по предметам,

¹ http://iite.unesco.org/les/policy_briefs/pdf/en/alternative_models.pdf. Bacsich P. Alternative models of education delivery: Policy Brief, September, 2012. Moscow: UNESCO Institute for Information Technologies in Education, 2012.

² Указ Президента Республики Узбекистан. №УП-5712 от 29 апреля 2019 года. Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года. Национальная база данных законодательства, 29.04.2019 г., № 06/19/5712/3034.

совершенствования посредством современных инновационных технологий электронных учебных комплексов.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит решению задач, поставленных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №УП-5313 от 25 января 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования», №УП-5712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года», а также в других нормативно-правовых актах, касающейся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Исследования в области применения информационных технологий в образовании проводились такими учеными, как А.А.Абдукодиров, М.Арипов, У.Ш.Бегимкулов, Р.Х.Жураев, Ф.Закирова, У.Юлдашев, М.Лутфуллаев, Н.И.Тайлаков, Т.Шоймардонов, М.Файзиева и др.

Ученые из стан СНГ А.В.Овчаров, А.С.Дорофеев, А.М.Сагдатуллин, А.Ю.Даниленко, Е.З.Власова, Е.Е.Гильман, Е.А.Грушанская, Т.П.Зайченко, О.В.Калмыкова, С.Д.Корзаков, Е.С.Полат, И.В.Роберт, П.В.Сысоев и др. проводили научные исследования, связанные с проблемами создания информационно-образовательной среды образовательных учреждений.

В зарубежных странах методы и технологии организации электронной информационно-образовательной среды образовательных учреждений нашли свое отражение в исследованиях таких ученых, как А.Сук, В.Кнутзен, Д.Гловер, С.Лав, И.Аллен, Дж.Сейман, Дж.М.Спектор, Д.Кеган, Е.Джонсон, Дж.Локкард.

Анализ данных исследовательских работ показывает, несмотря на то, что проводились исследования в области внедрения информационно-коммуникационных технологий в образовательную систему, организации электронной информационно-образовательной среды образовательных учреждений, изучение в качестве целостной системы технологий создания и внедрения единой электронной информационно-образовательной среды образовательных учреждений остается вне поле зрения исследователей.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, в котором выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках прикладного проекта, утвержденного Комитетом по развитию координации науки и технологий при Кабинете Министров Республики Узбекистан ПЗ-2014-090517317 «Создание и внедрение в практику информационно-коммуникационной среды в общеобразовательных средних школах» (УзНИИПН, 2015-2017 гг.)

Цель исследования состоит в совершенствовании технологии создания и внедрения единой электронной информационно-образовательной среды образовательных учреждений.

Задачи исследования:

совершенствовать на основе современных инновационных технологий структуру информационно-образовательной среды средних общеобразовательных школ;

разработать платформу дистанционного обучения для общеобразовательных школ и совершенствовать технологию создания онлайн-курсов в разрезе учебных предметов, служащих индивидуализации получения знаний в ней;

совершенствовать технологии создания и внедрения в практику общеобразовательных школ информационно-образовательной среды для управленческих и педагогических процессов образовательных учреждений;

сформировать электронные учебные комплексы для общеобразовательных школ в единой информационно-образовательной среде.

Объект исследования. В качестве объекта исследования выбран процесс создания и внедрения единой электронной информационно-образовательной среды в общеобразовательных школах, к педагогическому эксперименту привлечено 424 учащихся общеобразовательных школ Самаркандской, Джизакской областей и города Ташкента.

Предмет исследования – содержание, формы и средства создания единой электронной информационно-образовательной среды в образовательных учреждениях.

Методы исследования. В исследовании применялись методы изучения и сравнительного анализа психолого-педагогических, научно-методических источников, моделирования (проектирования), социометрические (анкетирование, тестирование, опрос, беседа, интервью); педагогическое наблюдение, педагогический эксперимент; методы математической статистики.

Научная новизна исследования:

